

ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ибрагимов Аброр Алимович,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси Тезкор-қидирув фаолияти
кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ҳамда кучли таъсир қилувчи дориларнинг қонунга хилоф равишда айланиши билан боғлиқ ҳолатларни аниқлар ва қарши курашиш амалиётида ва мазкур соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган ва илмий асосланган таклифлар берилган.

Калит сўзлар: гиёҳвандлик, синтетик, лаборатория, психотроп, восита, модда.

Гиёҳвандлик воситалари ва синтетик моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш ва гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Зеро, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф туғдиради, бошқа жиноятларнинг ўсиши, коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг тарқалишига имкон яратади, жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид солади, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий асосларни емиради.

Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш жамият ҳаётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, чунки саломатлик инсон учун ҳаёт каби энг олий ва ажралмас неъматдир. Соғлиқни сақлаш тизими бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, илмий, тиббий ҳамда санитар-гигиеник каби йўналишлардаги комплекс чора-тадбирлар орқали амалга оширилиб, ҳар бир инсонни жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилгандир. Шу боисдан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, соғлиғини муҳофаза қилишда ҳуқуқий чоралар муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Жамият учун хавфли иллатлардан бири ҳисобланган гиёҳвандлик муаммоси сўнгги йилларда нафақат республикамиз, балки бутун дунё жамоатчилигини ҳам ташвишга солмоқда. Гиёҳвандлик инсон соғлиғининг

кушандаси, қанчадан-қанча инсонларнинг умрига, саломатлигига зомин бўлаётган иллатдир. Зеро, бу борада Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, “... табиийки, гиёҳванд моддаларнинг бир қисми бизнинг минтақамизга сингиб кетмоқда. Бу эса жинойатчиликнинг ўсишига, ёшларнинг бузилишига, ҳатто миллатнинг генофонди айнишига сабаб бўлмоқда”.¹

Мавзунинг долзарблиги ва унинг моҳиятини тўлиқ ёритиб бериш авваламбор гиёҳвандлик сўзига тариф беришни талаб қилади, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида кўрсатилганидек гиёҳвандлик (наркотик) воситалари — гиёҳвандлик воситалари рўйхатида киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликларга айтилади.²

Синтетик гиёҳвандликнинг шундай жадаллик билан кенг тарқалиши сабаби бугунги кунда ёшлар орасида интернет ижтимоий тармоқларида гиёҳвандлик воситаларининг олди-сотиси ривожланиб кетганлиги ва мазкур гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилиш натижасида инсон организмида ушбу восита ва моддаларга нисбатан истеъмол дозасини кўпайтиришни талаб қиладиган тобеликнинг вужудга келиши ҳисобланади.

Синтетик нима? дейилган саволга эса синтетика–юнонча [synthetikos] сўздан олинган бўлиб бириктирувчи, қўшувчи, уловчи деган маъноларни англатади.³

Синтетик гиёҳвандлик воситаларини чекиш ва ҳидлаш йўли орқали истеъмол қилиш мефедрон (4-метилкатинон), а-PVP (а-пирролидиновалерофенон), моддалари гиёҳвандлик воситаларига бўлган қарамлик каби психик ва жисмоний қарамликка олиб келади. Бу турдаги гиёҳвандлик воситаларини мунтазам равишда қабул қилиш марказий нерв системасининг шикастланишига, психозларнинг ривожланишига, ички органлар фаолиятининг бузилишига, инсон ҳаётига хавф туғдирувчи бошқа ҳолатларга, ҳаттоки инсоннинг бутунлай нобуд бўлишигача олиб келади. Ушбу воситаларни истеъмол қилиш инсон саломатлигига зарар етказишидан ташқари, унинг ижтимоий баркамоллигига ҳам таъсир ўтказади. Бу эса истеъмолчиларнинг оилавий ҳаётида, ўқишида, иш фаолиятида ва ижтимоий ҳаётида турли муаммоларга дуч келишида намоён бўлади.

¹ “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5005-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №15. – 243-м.

² Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги қонуни.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати.

Бинобарин, Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилган махсус тезкор-профилактик тадбирлар натижасида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ аниқланган жиноятларнинг сезиларли қисмини синтетик гиёҳвандлик воситалари ташкил қилмоқда.

Синтетик гиёҳвандлик воситалари илк бор 2019 йилда Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида мефедрон (4-метилкатинон) тури аниқланган бўлиб, у кўмиш йўли орқали гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи мижозларга етказилган. Ушбу гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш натижасида инсон оғир жиноятларни содир этиши, оилалар ва генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандликка ружу қўйган бўлиб уларнинг аксариятини 30 ёшгача бўлган шахслар ташкил этмоқда. Бунинг натижасида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади.

Синтетик гиёҳвандлик воситаларининг жинойий тадбиркорлиги соҳасидаги жиноятларни фош этиш, тергов қилиш ва олдини олиш жараёнида юзага келадиган жамоат муносабатлари, жиноят, жинойий процессуал ҳуқуқнинг бошқа соҳалари шунингдек идоравий нормалар тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат қилиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум 1996 йил Марказий Осиёнинг беш давлати (Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон) ва БМТнинг наркотик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан имзоланган. Кейинчалик унга Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикалари ҳам қўшилди. Бу билан гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш борасидаги халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун катта имконият яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 878-сонли қарорнинг иловасида кўрсатилган “Ўзбекистон Республикасида муомаласи тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати”даги айрим гиёҳвандлик воситаларини яъни, №36-Дезоморфин, 37-Дексамфетамин, 55-ДОЭТ (d,L-2,5-диметокси-4-этиламфетамин), 62-Катинон (1-альфа амина пропиофенон), 73-Лизергиновая кислота и ее препараты, в том числе d-Лизергид (ЛСД, ЛСД-25), 79-МДМА (d,L-3-4-метилендиокси-N-альфа-диметил-фенил-этиламин), 84-Метилон В-кето-MDMA, 85-Метилфенидат (риталин), 97-4-метилкатинон (4-МЕС) (RS)-2-

(метиламино)-1-(4-метилфенил) пропан-1-он, 120-Норкодеин, 125-Оксикодон, 152-2С-В (4-бром-2,5-диметоксифенетиламин) - рақамли гиёҳвандлик воситаларини ҳозирги кунда лаборатория шароитида тадқиқот олиб боришнинг ва ушбу гиёҳвандлик воситаларининг фаол миқдорини аниқлаш имкони йўқлиги (*стандарт моддаси мавжуд эмас*) сабабли, ушбу гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқарган давлатлардан гиёҳвандлик воситаларини шартнома асосида харид қилиш ва уларни фаол миқдорини аниқлаш бўйича лаборатория шароитида тадқиқот олиб бориш чораларини кўриш ҳамда ҳамкорликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда дунё миқёсида гиёҳвандлик (наркомания) ёшлар ўртасида кенг тарқалиб, бу касалликка чалинганларнинг сони кун сари ортиб бораётганлиги, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, бу турдаги жиноятларни олдини олиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллариининг вазифалари, балки барча фуқаролар ҳам бундай жиноятларни олдини олишга фаол бўлишлари, шу жумладан ўз фарзандларининг келажагига бефарқ бўлмасликлари лозим.